

# Инсон ва қонун

2021 йил 9 ноябрь  
сешанба  
№ 45 (1301)

[www.hudud24.uz](http://www.hudud24.uz)  
[insonvaqonun@adliya.uz](mailto:insonvaqonun@adliya.uz)  
[fb.com/hudud24official/](https://fb.com/hudud24official/)  
[t.me/hudud24official/](https://t.me/hudud24official/)

hudud24  
Endi 24 soat siz bilan!

Энг сўнги хабарлар  
Ҳуқуқий маълумотлар  
Таҳлилий мақолалар  
Мурожаатга жавоблар

www.hudud24.uz

АКА-УКАЛАР ЖАРИМАДАН  
ОЗОД БЎЛДИ 3-БЕТ

СУДГАЧА ЕТИБ БОРГАН  
ОВУЛДОШЛАР ВОҚЕАСИ 7-БЕТ

АДЛИЯДАН ЯНГИ ТАШАБУС!  
“НУҚУҚИЙ ҒАР” 8-БЕТ

## “БИЗ БИРГАМИЗ!”



ТОШКЕНТ шаҳар Мирзо Улуғбек туманида жойлашган “Есобозор” савдо мажмуасида ногиронлиги бўлган шахслар томонидан тайёрланган маҳсулотларнинг савдо ярмаркаси ўтказилди.

Адлия вазирлиги ҳамда Ногиронлар жамияти томонидан ташкил этилган ушбу ярмарка учинчи марта ўтказилмоқда.



“Биз биргамиз!” шиори остида ўтказилган ярмаркада республиканинг барча ҳудудларидан 100 га яқин ногиронлиги бўлган шахслар ўзлари тайёрлаган маҳсулотлари билан иштирок этди.

Улар томонидан каштачилик, дурадгорлик, зардўзлик, тикувчилик, қандолатчилик каби халқ ҳунармандчилиги йўналишларида асосан қўл меҳнати билан тайёрланган маҳсулотлар тақдим этилди. Ипақдан тикилган бежирим кашталар, нафис санъат асарлари, оддий мунчоқдан тўқилган бетакрор буюмлар, нафақат болаларни, балки катталарни ҳам ҳайратга соладиган кўғирчоқлар, қадимий нақшларни ўзида мужассам этган буюмлар, ҳамма-ҳаммасининг қатида тенгсиз меҳр ва ҳаётга чексиз муҳаббат мужассам

эди... Ярмаркада иштирок этганлар ана шу меҳрга харидор бўлишди. Ярмарка давомида жами 500 миллион сўмлик маҳсулот харидорлар томонидан сотиб олинди.

Тадбир доирасида Адлия вазирлиги, Давлат хизматлари агентлиги, Интеллектуал мулк агентлиги, ФХДЭ органлари, нотариуслар, адвокатлар ва “Мадад” нодавлат но-тижорат ташкилоти ходимлари томонидан аҳолига сайёр тарзда бепул ҳуқуқий хизматлар кўрсатилиб, маслаҳатлар берилди.

Шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларни касбга тайёрлаш, уларга муносиб шарт-шароит яратишни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ногиронлар жамиятининг “Тадбиркор аёл” уюшмаси, “Хунармандлар” уюшмаси, “Ватанпарвар” ташкилоти,

“Психологлар ассоциацияси” билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланди.

Тадбир давомида иштирокчилар, ҳомий ва ҳамкор ташкилотлар Адлия вазирлиги раҳбарияти томонидан эсдалик совғалари, махсус сертификатлар билан тақдирланди.

Ижтимоий лойиҳа хайрия-соғломлаштириш тадбирларига улашиб кетди. Ярмарка якунлангач, республикамизнинг турли ҳудудларидан келган иштирокчилар Адлия вазирлиги томонидан Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида жойлашган дам олиш масканига тақлиф этилди.

Ташир буюрган иштирокчиларнинг таассуротлари ва қувончлари бир дунё...

2-БЕТ

Давоми. Бошланиши 1-бетда

# "БИЗ БИРГАМИЗ!"



**МЕХРЛИ ИНСОНЛАР  
 БИЗ БИЛАН БИРГА  
 ЭКАН ИМКОНИАТИМИЗ  
 ЧЕКСИЗДИР...**

**Хосият АМАНОВА,  
 Тошкент вилояти:**

— Рухшуносман. Шу сабабли инсонлар кўнгил кечинmalarини кўздан, ўзини тутишдан сезиш менга қийин эмас. Айниқса, имконияти чекланганлигидан қимтиниб, одамлардан ўзларини олиб қочишга интилиш ҳолатларини ўзим ҳам бошимдан ўтказганимдан сўнг, буни янада яхшироқ ҳис қила бошладим. Ўстиққа бошингизни бериб, ҳеч қандай иш қилмасдан ҳам кунни ўтказиш мумкин. Аксинча, имконсизликдан имкон топиб, ҳаёт учун курашиб, фойдали иш билан шуғулланиб ҳам ўтказиш мумкин. Фақат кўнгилда шунга иштиёқ ва истак кучли бўлиши керак. Кўғирчоқларимиз Россия давлатида ҳам харидордир. Айтганча, Башорат Урушова раҳбарлик қилаётган ногиронларни касб-хунарга йўналтириш марказимизда 42 нафар жисмоний имконияти чекланганлар иш билан татыминланган. Марказимизга 2-қаватли бино берилди. "Дамас" машинаси совга қилинди.



**ҲАВАС ОДАМЛАРНИ  
 ЯХШИЛИККА УНДАЙДИ**

**Сафарбой АБДУРИМОВ,  
 Хоразм вилояти:**

— Бугун ўзим ясаган бешик, рубоб, лавҳ ва бошқа кўлда меҳр билан яралган миллий маҳсулотлар билан ушбу ярмаркада иштирок этаялман. Битта лавҳни ясаш учун 12-18 соат вақт кетади. Бу меҳнат катта сабрни, иштиёқни талаб қилади. Мен ўз касбимни яхши кўргангидан қийинчиликларим ҳам кўзимга кўринмайди. Баъзан шогирдларим, фарзандларим ҳам "Сиздан куч оламиз. Сиздек моҳир хунараманд бўлишни истаймиз", дейишади. Инсоннинг ҳавас

билан яшагани яхши. Чунки ҳавас одамларни яхши ишларга ундайди.



**ҚУРОҚ ҚУРАШ  
 ОДАМНИНГ САБРИНИ  
 СИНОВДАН ЎТКАЗАДИ**

**Садорат МЎМИНОВА,  
 Сирдарё вилояти:**

— Ҳар бир вилоятнинг ўзига хос қуроқ намуналари бор. Қуроқ қураш одамнинг сабрини синовдан ўтказиши. Қўрпа, қуроқ, ёстиқ, кўрпача қиз узатганда қўшиб берилади. Қуроқдан тикилган маҳсулотлар қизнинг борган ерида илди отиб, палак ёйиб, ўзидан кўпайиб, қўшгани билан қўша қарисин, деган маъноларни ифода қилади. Тўйдан аввал қуроқ тикиш, қизнинг селига қўшиш — ўзбек халқининг урф-одати. Ҳув, телефон бўлмаган замонларда қизлар бир ўйга тўпланиб кашта, қуроқ тиқишларни ўрганишар эди. Хунарни бўлишарди. Ҳозир эса қизлар телефондан бошини кўтармайди, бозор тўла кўрпа-ёстиқ, замонавийларини сотиб оламиз, деб оналар ҳам қизларини бу хунарга йўналтирмай қўйгани бор гап. Шундай бўлса ҳам қадимги каштачилик, қуроқ тиқиш каби кадриятларимизни сақлашимиз, келажак авлодга етказишимиз шарт.



**БИЗ ЯСАГАН  
 КЎҒИРЧОҚЛАР ҲАМ  
 ЖАҲОН БОЗОРИГА  
 ЧИҚИШINI ИСТАРДИМ**

**Умида МАҲМУДОВА,  
 Самарқанд вилояти:**

— Бундан бир неча йиллар олдин интернет орқали кўғирчоқ ясашни ўргатувчи видео дарсларни кўриб, ўзим ҳам шунга қизиқиб қолдим. Ўрганганимга бир йил бўлди. Ҳозир 3 нафар

шогирдим ҳам бор. Битта кўғирчоқни ясаш учун 2-3 кун вақт кетади. Ўзига яраша қийинчиликлари бор. Лекин биз ясаган кўғирчоқлар болаларга завқ бағишлаганини кўргангидан илҳомланаман. Бугунги ярмаркада мен каби кўғирчоқлар ясайдиган аёллар билан танишдим. Улар чет давлатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйган экан. Мен уларга ҳавас қилдим. Келгусида биз ясаган кўғирчоқлар ҳам жаҳон бозорига чиқишини истардим.



**БУНЧАЛИК ЭЪТИБОР,  
 БУ ҚАДАР МАРҲАМАТНИ  
 КЎРМАГАНДИК**

**Хосият ҲАСАНОВА,  
 Навоий вилояти:**

— Йигирма икки йилдан буён ногиронлар билан биргаман. Уларнинг дарду ташвишлари ва муаммолари билан қанча-қанча идораларга киришга тўғри келади. Энг қийин лаҳзаларда ҳам бизга умид ва ишонч, яхшиларнинг муруввати ёрдам беради. Жуда кўп хайр-саховатли инсонларнинг марҳаматидан баҳраманд бўлганмиз. Аммо Адлия вазирлиги бизга кўрсатаётган эътиборини ҳеч қачон, ҳеч қаерда кўрмаганмиз. Барчаси учун ташаккур! Кўнгли ўқис инсонларни ҳаётни севишга ўргатишдан улуроқ марҳамат йўқ!



**ДАНГАСАЛИҚДАН  
 ЁМОНИ ЙЎҚ**

**Зиёдаҳон ХУРРАМОВА,  
 Қашқадарё вилояти:**

— Бу йил қувончли йил бўлди. Бизга Президентимиз томонидан 2 хонали уй берилди. Бу эътибор бизни руҳлантирди. Биз каби имконияти чекланганларни беъэтибор қолдиришмагани учун

миннатдормиз. Аслида, инсоннинг кўли гул. Юракда иштиёқ, ишонч бўлса бас. Бугунги эзгу тadbир ҳам айнан кўнглимизда ишонччи уйғотди.



**КЎЗ НУРИНГИЗ,  
 ҚАЛБ ҚЎРИНГИЗИ  
 БЕРМАСАНГИЗ ЖОЗИБАЛИ  
 ИШ ЧИҚМАЙДИ**

**Барно НАРЗУЛЛАЕВА,  
 Жиззах вилояти:**

— Мен болалигимдан рассомчиликка қизиқанман. Шу иштиёқ мени санъатнинг янги бир турига чорлади. Бу санъат тури ҳали давлатимизда бўлмаганлиги учун уни Республика миллий каталогига киритишди. Ўзимиз унга бисердан безак бериш санъати деб ном бердик. Шу йил Камолддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтига ўқишга кирдим. Биринчи босқич бўлсам ҳам, институтда олаётган назарий билимларим хунарамандчиликни ривожлантиришимда ёрдам берапти. Тақдиримдан асло нолимайман. Иштиқол тенгдошиман. Интилишларимга муносиб мукофотлар олганман. "Жасорат" медалига сазовор бўлганман. "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги" кўрак нишонига ҳам мени муносиб кўришди.



**СОМОНДАН ҲАМ  
 САНЪАТ АСАРЛАРИНИ  
 ЯРАТГА БЎЛАДИ**

**Абдураҳмон МУҒАЗЗАЛОВ,  
 Бухоро вилояти (14 ёш),  
 (унинг фикрларини онаси  
 тушунтириб берди):**

— Ўғлимнинг гапиршида нуқсон бор. Шу сабабли атрофга қўшилгиси, тенгдошлари билан вақт ўтказгиси келмайди. У рассомчиликка қизиқади. Унинг

қизиқишларини ҳар доим кўлаб-қувватлаганимиз. Ўғлимнинг сомондан ясаган ишларига ҳамма қизиқади. Мен сомонни қайнатиб, дазмоллаб бераман. Кейин ўғлим унга турли шакллар беради.



**ТУРКИЯ ВА РОССИЯ  
 ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН  
 ШАРТНОМАЛАР  
 ИМЗОЛАГАНМИЗ**

**Махфират  
 РАҲМОНҚУЛОВА,  
 Сурхондарё вилояти:**

— Мен миллий хунарамандчилигимизни асрлар давомида яшагани истайман. Шу сабабли каштачилик билан шуғулланиб келаман. Бу йил иш фаолиятимни бошлаганимга 10 йил бўлди. Кўлда тўқилган гиламлар, дўппилар, чимилдиқ ва бошқа хунарамандчилик маҳсулотларимизга хориждан ҳам талабар тушган. Туркия ва Россия давлатлари билан шартномалар имзолаганимиз.




**КЎНГЛИМИЗ ДОИМО  
 ИШОНЧГА ТЎЛИБ ЯШАЙДИ**

**Олтиной ХАЛМУРАТОВА,  
 Қорақалпоғистон  
 Республикаси:**

— Каштачиликка қизиқаман. Қорақалпоқ усулидаги каштачилик намуналарим билан кўлаб кўргазмаларда иштирок этиб келялман. Ҳар сафар кимнингдир кўлида ўзим тиккан сумка, кийимларини кўрсам хурсанд бўлиб кетаман. Бугунги кўргазмада ҳам кўп ишларим одамларга манзур бўлди. Ташкилотчиларга раҳмат. Уларнинг ҳатто тасаввурига ҳам сизмаса керак бизни бу тadbир қанчалик руҳлантиргани. Устозларим Гулжаҳон Жуманиёзова ва Дилбар Амурбаеваларга раҳмат. Улар эринмай каштачилик сирларини менга ўргатиб келишяпти. Шундай меҳрибон кўлар, қалблар бор экан бизнинг кўнглимиз ишончга тўлиб яшайди.

**Дилфуза ЭРГАШЕВА,  
 Маруса ҲОСИЛОВА**



НАВОИЙ

## ХОДИМНИ ИШДАН БЎШАТИШДА РОЗИЛИК АРИЗАСИ МАЖБУРАН ЎЗДИРИЛГАН



**ХАТИРЧИ** туман ҳокимлиги тизимида ишлаган Д.Ёркулов бошқа ишга ўтказиш шартли билан ўз аризасига кўра ишдан бўшатиш шартли билан, фуқарога розилик аризаси мажбуран ўздирилган. Ишсиз қолган Д.Ёркулов бир йил давомида бошқа ишга киролмаган.

Шундан сўнг у меҳнат ҳуқуқларини тиклаш мақсадида туман адлия бўлимига мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Ўрганиш давомида аниқланишича, фуқаронинг меҳнат шартномаси бекор қилинган куни иш берувчи ходимга унинг меҳнат дафтрасини ва меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги буйруқнинг нусхасини бериши шартлиги белгиланган.


Меҳнат кодексининг 108-моддасига кўра, меҳнат шартномаси бекор қилинган куни иш берувчи ходимга унинг меҳнат дафтрасини ва меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги буйруқнинг нусхасини бериши шартлиги белгиланган.

Меҳнат кодексининг 275-моддасига кўра, иш ҳақини ундириш тўғрисида низо келиб чиққан тақдирда, меҳнат низоларини кўрувчи орган меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга меҳнат дафтрасини ўз вақтида бермаганлик оқибатида келиб чиққан мажбурий прогул вақти учун ҳақ тўлаш тўғрисидаги ходимнинг пул ундиришга доир талабларини тўлиқ қондириши лозимлиги кўрсатилган.

Хатирчи туман ҳокимлиги молия бўлимидан жалб қилинган мутахассис хулосасига кўра, фуқаро Д.Ёркуловнинг ишдан бўшатишга вақтдан то 2021 йилнинг июнь ойига қадар мажбурий прогулда бўлган давридаги тўланиши лозим бўлган ўртача ойлик иш ҳақи 29 миллион 31 минг 887 сўмни ташкил қилган.

Юқоридаги асосларга мувофиқ, адлия бўлими томонидан Д.Ёркуловнинг манфаатида фуқаролик ишлари бўйича Хатирчи туман судига даъво аризаси киритилиб, мажбурий прогулда юрган даври учун компенсация тарзида 30 миллионга яқин иш ҳақи ундириб берилиши таъминланди.

**Эшпўлат ЭШМАМатов,**  
Хатирчи туман адлия бўлими масъул ходими



НАМАНГАН

## ИНОБАТГА ОЛИНМАГАН ИШ СТАЖИ




**УЙЧИ** туманининг "Ғайрат" маҳалласи, "Серкўёш" кўчаси, 23-уйда яшовчи фуқаро А.Ҳожиматов Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Уйчи туман бўлими пенсия ва нафақалар тайинлаш комиссиясининг 2021 йил 14 июндаги қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳамда комиссия томонидан тан олинмаган иш стажларини пенсия ҳисоблашда қўйиш масаласини ҳал этишда амалий ёрдам сўраб, туман адлия бўлимига мурожаат қилди.

Мурожаатни ўрганиш жараёнида аён бўлдики, А.Ҳожиматовнинг "Ўзғросуғурта" давлат акциядорлик сугурта компанияси Уйчи туман бўлимида 1998-2000 ва 2003-2004 йилларда ишлаган даврлари ҳамда "Адиқобод" ҳиссадорлик жамиятида 1996 йил 1 августдан 1998 йил 31 майга қадар ишлаган даврлари давлат архивида мавжуд бўлмагани боис пенсия ҳисоблашда инобатга олинмаган. Ваҳоланки, юқоридаги йиллар унинг меҳнат дафтрасида ўз аксини толган. Меҳнат кодексининг 81-моддасига мувофиқ, меҳнат дафтраси иш стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат эканлиги белгиланган.

Бу қоида Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунининг 42-моддасида ҳам қайд этилган. Бинобарин, Уйчи туман адлия бўлими томонидан А.Ҳожиматовнинг манфаатини кўлаб, Наманган туманлараро маъмурий судига ариза киритилди. Суд аризани қаноатлантириб, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Уйчи туман бўлими пенсия ва нафақалар тайинлаш комиссиясининг 2021 йил 14 июндаги 64-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳамда А.Ҳожиматовнинг "Ўзғросуғурта" ДАСК Уйчи туман бўлимида 1998-2000 ва 2003-2004 йилларда ишлаган даврларини иш стажига қўйиш, БТПЖ Уйчи туман бўлими зиммасига унинг тумандаги "Адиқобод" ҳиссадорлик жамиятида 1996 йил 1 августдан 1998 йил 31 майга қадар ишлаган даврларини қайта кўриб чиқиш мажбуриятини юклаш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди.

**Ҳалимжон ҚОБИЛОВ,**  
Уйчи туман адлия бўлими бошлиғи



САМАРҚАНД

## ФЕРМЕРНИНГ МУРОЖААТИ ҚАНОАТЛАНТИРИЛДИ



**АДЛИЯ** вазирлиги томонидан фермер ҳўжалиқларининг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, улар фаолиятида энг кўп учрайдиган муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўриш мақсадида "Фермерга мадад" акцияси бўлиб ўтмоқда.

Акция доирасида республикамизнинг барча ҳудудда адлия органлари томонидан кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.


Жумладан, Каттақўрғон туман ҳудудида жойлашган "Эрк" фермер ҳўжалиғи раиси К.Назаров туман адлия бўлимига мурожаат қилиб, фермер ҳўжалиғи томонидан 2020 йил пахта ва ғалла ҳосилини етиштириш учун сарфланган 46 миллион 692 минг сўм ва 2021 йил пахта ва ғалла ҳосилини етиштириш учун кетган 17 миллион 10 минг сўм электр энергияси харажатлари бюджет ҳисобидан қоплаб берилмаётганлигидан норозилигини билдириб, амалий ёрдам сўраган.

Фермер ҳўжалиғи раиси К.Назаровнинг аризаси ўрганилиб, ҳақиқатан ҳам ҳўжаликка сарф қилинган электр энергияси харажатлари учун компенсация пуллари тўлаб берилмаганлиги аниқланди.


Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги қарори билан тасдиқланган "Фермер ҳўжалиқларининг насос агрегатлари ва сўғориш қудуқлари истеъмол қиладиган электр энергияси қийматини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан фермер ҳўжалиқларига юқоридаги мақсадда ишлатилган электр энергияси истеъмоли учун кетган харажатлар Республика давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш орқали қопланиши белгиланган.

Мазкур тартиб-қоидалардан келиб чиқиб, адлия бўлими томонидан туман молия бўлимига тақдимнома киритилиб, "Эрк" фермер ҳўжалиғига сарфланган электр энергияси харажатлари тўлиқ қоплаб берилди.

**Ўткир ҲАКИМОВ,**  
Каттақўрғон туман адлия бўлими бошлиғи



СУРХОНДАРЁ



## Ака-укалар жаримадан ОЗОД БЎЛДИ

**ЖАРҚЎРҒОН** туманидаги "Ўзбекистон" маҳалласида яшовчи фуқаро З.Алиқуловнинг укалари Ш.Алиқулов ва Б.Алияровларга нисбатан ноқонуний маъмурий қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги мурожаати туман адлия бўлими томонидан ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, Ш.Алиқулов ва Б.Алияровга туман ҳокимлиги томонидан 2019 йил 18 сентябрда туманнинг "Зартепа" маҳалласи ҳудудидан 400 кв. метр бўлган жами 800 кв. метр

ер участкасига "мулкый ҳуқуқни тасдиқловчи" ордер берилган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 30-моддасида маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жазо ушбу кодекс ва бошқа

норматив ҳужжатларда белгилаб қўйилган доирада ва тартибда қўлланилиши, жазони қўллаш чоғида содир этилган ҳуқуқбузарлик хусусияти, ҳуқуқбузарнинг шахси, унинг айбдорлик даражаси, мулкый аҳволи, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобга олиниши қайд этилган бўлишига қарамадан, кадастр агентлиги туман бўлими ака-ука Ш.Алиқулов ва Б.Алияровларни жавобгарликка тортишда кодекснинг ушбу талабларига риоя қилмаган ҳолда уларга Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 68-моддасига асосан 2021 йил 5 июль куни "ерга бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилимаганлиги" муносабати билан маъмурий жарима солиш ҳақида қарор қабул қилган.

Мазкур қарорлар қабул қилинишининг қонунийлиги ўрганилганда, бир қатор процессуал қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Туман кадастрлар палатаси томонидан фуқароларга нисба-

тан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш материалларини шакллантиришда Ш.Алиқулов ва Б.Алияровлардан ҳолат бўйича нима сабабдан шу вақтгача ер участкасини давлат рўйхатидан ўтказмаганлиги борасидаги тушунтириш хатини кодекс талабига зид равишда вақолати бўлмаган онаси З.Алиқуловдан талаб қилиб олинган ва имзолатилган.

Ваҳоланки, мурожаатни ўрганиш давомида фуқаро Ш.Алиқулов 15 кундан ортиқроқ муддатдан буён бетоблиги сабабли даволанаётганлиги учун кадастр агентлиги туман бўлимига бормаганлиги, Б.Алияров эса май ойида ишлаш учун Россия Федерациясига кетганлиги аниқланди.

Кадастр агентлиги Жарқўрғон туман бўлими томонидан фуқаролар Ш.Алиқулов ва Б.Алияровларга нисбатан 2021 йил 5 июлда баённома расмийлаштирилган бўлса-да, мазкур баённома ва маъмурий иш қўриладиган жой ҳамда вақт ҳақида хабарнома фуқароларга

берилмаган.

Ваҳоланки, кодекснинг 294-моддаси 2-қисмида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иштирокида кўриб чиқилиши лозимлиги белгиланган.

Бундан ташқари, кадастр агентлиги туман бўлими томонидан 2021 йил 5 июль куни жарима солиш ҳақида чиқарилган ноқонуний қарорни мажбурий ижро этиш учун туман мажбурий ижро бюросига хат ҳам киритилганлиги аниқланди.

Адлия бўлими томонидан кадастр агентлиги туман бўлимига мазкур қарорларини бекор қилиш ва айбдор шахсларга нисбатан интизомий жазо қўлаш чораларини кўриш ҳақида кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармасига тақдимнома киритилди ва қонунбузилиш ҳолатига барҳам берилди.

**Ўткир АРИПОВ,**  
Жарқўрғон туман адлия бўлими бошлиғи

# “ИНСОН ВА ҚОНУН” ГАЗЕТАСИ — БИЗНИНГ МИНБАРИМИЗ!



## ГАЗЕТА — ЭНГ ҚУЛАЙ МУЛОҚОТ МАНБАИ

— БУТҲН қонунчилигимизда янгиликлар, ўзгаришлар кўп, ўз вақтида уларни ўзлаштирмаган ҳуқуқшунос каттиқ адашади. Ҳар бир ҳуқуқшунос ҳуқуқий маърифат тарғиботчиси ҳам бўлиши керак. Бунинг учун газета энг яхши манба. Газета — энг қулай мулоқот манбаи. Аҳолига фикримизни газета орқали айтамыз, адлия тизимидаги янгиликларни газета орқали биламыз, иш фаолиятимиз ҳам газетда кенг ёритилади.

**Сайлаубай МАМБЕТКАДИРОВ,**  
Қорақалпоғистон  
Республикаси Адлия вазири:

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида байрам кунлари, туғилган кунлари ходимларимизга китоб совға қилиш анъанага айланган. Ҳар бир ходим бўш вақт топиб, китоб ўқийди, газета мурола қилади. Биз учун “Инсон ва қонун”нинг алоҳида ўрни бор. Ҳар йили сеvimли газетамизга обуна бўламыз. Ишхонада газета ўқиган ходим уйига ҳам китоб ёки газета олиб боради, албатта. Мен ўқияман, оилам ҳам ўқисин, болам ҳам ўқисин, дейди. Биз ўз газетамизга обуна бўламыз.



## ЎЗ НАШРИМИЗНИ ҚўЛЛАБ- ҚУВВАТЛАЙМИЗ!

— ХАЛҚИМИЗ тарихини, барча воқеа-ходисалар манзарасини ўрганишда асосан иккита манбага таянамыз. Бир вақтги матбуот, иккинчиси эса — китоб. Очигини айтганда, ҳеч бир манба кундалик ҳаётни матбуотчаллик аниқ акс эттиролмайди.

**Абдумуталиб ДАДАЖОНОВ,**  
Андижон вилоят адлия  
бошқармаси бошлиғи:

Тўғри, бутун кўпчиликнинг интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқларга тобелигини инкор этолмаймиз. Аммо сайтлару ижтимоий тармоқлар босма нашрлар ўрнини ҳеч қачон боса олмаслигини тан олишимиз керак. Ўқимок, фикр қилмоқ, ишончли манбага таянмоқ, тафаккур қилмоқ мушохадали инсон бўлишга ёрдам беради. Шундай экан, босма нашрларнинг кучи ва ахборотларига доим ишонч билдириш керак. Ўзимизнинг профессионал нашримиз “Инсон ва қонун” газетасига ҳамиша хайрхоҳимиз ва уни сеvim ўқиймиз. Андижон вилояти адлия идоралари газетани қўллаб-қувватлашга доимо тайёр.



**Тўлқин ОЧИЛОВ,**  
Бухоро вилоят адлия  
бошқармаси бошлиғи:

## АДОЛАТ ОВОЗИ

— МАТБУОТ — адолат овози, ҳақиқат жарчисидир!

Шу ўринда, қайд этиш жоизки адолат йўлидаги фаолиятимиз давомида “Инсон ва қонун” газетаси билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг барча қатламлари учун қонун нормаларини халқчил тилда тушунтириш ҳамда фуқароларга ҳуқуқий ёрдам бериш борасидаги фаолиятимиз газета орқали мунтазам равишда ёритиб борилаётганлиги, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда ўз самарасини кўрсатаётганлигидан мамнунимиз. Тизимимиз газетасини ҳамиша қўллаб-қувватлаймиз!

## “ИНСОН ВА ҚОНУН” БИЗ УЧУН ҚАДРЛИ ГАЗЕТА

— ВАҚТЛИ матбуот нашрлари — жамият кўзгуси. “Инсон ва қонун” газетаси эса соҳамизнинг, бизнинг кўзгумиз. Бу кўзгуда қонун ижодкорлиги институти фаолиятдан тортиб, амалдаги қонунларимизнинг жамиятда нечоғли ижро этилаётгани, қисқаси, халқимиз ҳаёти, бизнинг халқ олдидаги хизматимиз акс этади. Газетамиз биз учун қадрли. Уни сеvim ўқиймиз ва қўллаб-қувватлашга доим тайёرمىз.



## ГАЗЕТА ЎЗ ЎҚУВЧИСИ БИЛАН ТИРИК!

— ШУБҲАСИЗ, ҳар бир ахборот воситаси ўз ўқувчиси билан тирик. Табиийки, нашрлар ўқувчилари ва мухлисларининг кўплиги уларнинг иқтисодий мустақиллигини ҳам таъминлайди.

Мана, қарийб 10 йилдан зиёд вақт мобайнида адлия тизимида фаолият юритаётган бўлсам, оммавий ахборот воситалари, айниқса, босма нашрлар билан ҳамкорликда самарали фаолият юритаётимиз. Жумладан, “Инсон ва қонун” газетаси бизнинг яқин кўмақдошимиз.

Обуна мавсумида вилоят адлия бошқармаси ва унинг тизимидаги ходимлардан биринчи галда газетанинг тарғиботини амалга оширишга эътибор қаратишларини сўраймиз. Нега? Чунки, босма нашрларсиз ҳаётимизни тасаввур қилишимиз қийин. Улар борки, ишончли, ҳақчил ва профессионал ижод намуналаридан хабардор бўлишимиз мумкин. Биз, барча ходимларимиз, албатта, “Инсон ва қонун”га обуна бўламыз.

**Хайрулло САБИРОВ,**  
Наманган вилоят адлия  
бошқармаси бошлиғи:



**Салоҳиддин НУРИЕВ,**  
Самарқанд вилоят адлия  
бошқармаси бошлиғи:



## “ТўРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ” БИЛАН ҲАМИША БИРГАМИЗ!

— ИНСОНИЯТ ўз тамаддуни мобайнида яратган энг катта кашфиёт алифбо бўлса, тараққиётни таъминлашнинг, бутун жамият ва ҳар бир инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларини, манфаатларини ҳимоя қилишнинг энг мақбул ва узок синовдан ўтган воситаси ОАВ бўлиб қолаверади. Ахир, бежиз бутун дунёда айнан матбуот “тўртинчи ҳокимият” сифатида эътироф этилмаган!

Жумладан, халқимизни қийнаётган ижтимоий муаммоларни ёритиб бориш, янги қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамиятини аҳоли ва кенг омма эътиборига етказиш борасида “Инсон ва қонун” ҳуқуқий газетасининг ҳам ўрни ва роли беқиёсдир. Тизимимиз ходимларнинг мазкур нашрга обуна бўлиши иш фаолиятимизга, албатта, ижобий таъсир этади.

**Акбар АБРАЕВ,**  
Тошкент шаҳар адлия  
бошқармаси бошлиғи:



**Ахтам МУҲАММАДИЕВ,**  
Тошкент вилоят адлия  
бошқармаси бошлиғи:

## ҲАР БИР ЮРИСТ “ИНСОН ВА ҚОНУН”ГА ОБУНА БЎЛИШИ КЕРАК!

— ТўғРИ, кейинги йилларда биз янгиликлар билан танишадиган ахборот манбалари кўпайди. Лекин ҳаётимизда матбуотнинг, газетанинг ўзига хос ўрни бор. Бошқа ахборот манбаларида билдирган фикрингиз бир муддат аҳолига етказилмади, ҳолос. Газетадаги ахборот эса, йиллар давомида сақланади.

Ҳуқуқшунос ўқимаса, янгиликларни ўз вақтида билиб турмаса, унда ривожланиш бўлмайди. Ҳар бир юрист кадр “Инсон ва қонун”га обуна бўлиши керак. Сабаби, бу газета айнан ҳуқуқшуносларнинг нашри, бизнинг нашримиз!

Sevimли нашримиз Тошкент вилояти адлия бошқармаси ва туман бўлимлари фаолиятини ҳам йил бўйи ёритиб келади. Биз — ҳуқуқшунослар учун мулоқот минбари бўлаётган газетамизга ҳар йили обуна бўламыз. Бу йил ҳам ҳамкасблар билан “Инсон ва қонун”га обуна бўлишимиз шубҳасиз!

# АДЛИЯ ТИЗИМИ ҲАР ДОИМ ЎЗ НАШРИНИ Қўллаб-қувватлайди!



**Шокир САЙДОВ,**  
Жиззах вилоят адлия  
бошқармаси бошлиғи:

## ГАЗЕТА МУЛОҲАЗА ЮРИТИШГА ҲАМ УНДАЙДИ

— РУС тарихчиси Василий Ключевскийнинг “Газета ўқувчини билмаган нарсаси ҳақида мулоҳаза юритишга ва тушунмаган нарсаларини билиб олишга ўргатади”, деб айтган гапи, айнан бизнинг газетамиз билан тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши ҳар бир фуқаро учун билиши муҳим бўлган воқелиқдир. Айнан бу маълумотлар — бизнинг “Инсон ва қонун” газетамизнинг асосини ташкил этади. Демак, биз барчамиз ўзимизнинг газетамизга обуна бўлишимиз керак, деб ўйлайман!



**Аъзамжон САРАБЕКОВ,**  
Навоий вилоят адлия  
бошқармаси бошлиғи:

## ГАЗЕТАЛАР СЎЗИ — ЭНГ ИШОНЧЛИ СЎЗИ!

— ИНСОН тафаккури доимо газеталарга эҳтиёж сезади. Ҳатто ахборот технологиялари ривожланган, ҳақон интернет тармоғи кенг қулоч ёзган даврда ҳам. Халқаро сиёсий майдонда “газеталар сўзи” энг ишончли ва жамоатчилик орасида ҳал қилувчи қучга эга. Чунки уларда замон руҳи бор бўй-басти билан акс этади. Маълумотларга назар ташласак, бугунги кунда халқаро даражада нуфузга эга бўлган “Аргументы и факты” газетасининг 30 миллиондан ортиқ тиражда, “The Yomiuri Shimbun” 14 миллион, “Sichuan Ribao” 8 миллион, “TIME” 3,5 миллиондан ортиқ нусхада чоп этилаётгани дунё ахли газетадан воз кечмаганини кўрсатиб турибди.

Газеталар мамлакатимиз тараққиёти ва халқаро имиджини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Ана шундай нашрлар тоифасига “Инсон ва қонун” газетасини ҳам киритиш мумкин. Бу нашр давлатимиз ҳуқуқий сиёсатининг асосий тарғиботчиларидан бири. Мен ва жамоамиз аъзолари ўз тизимимиз нашрини қўллаб-қувватлаймиз.



**Жамшидхон НУРИТДИНОВ,**  
Сирдарё вилоят адлия  
бошқармаси бошлиғи:

## “ИНСОН ВА ҚОНУН” ОИЛАМИЗНИНГ ҲАМ ГАЗЕТАСИ

— ҲУҚУҚШУНОС сифатида босма нашрларни мунтазам мутолаа қилиб бораман. Айниқса, “Инсон ва қонун” газетаси нафақат ўзим, балки оила аъзоларимнинг ҳам яқин ҳуқуқий маслаҳатчисига айланган.

Сирдарё вилоят адлия бошқармаси ҳамда тахририят ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Бошқарма ҳамда туман (шаҳар) адлия бўлимлари томонидан қаноатлантирилган мурожаатлар, амалга оширилган тарғибот тадбирлари тафсилотлари, шунингдек, қонунчиликдаги янгиликлар юзасидан тайёрланган таҳлилий мақолалар газета саҳифаларида доимий ёритиб борилади. Бир сўз билан айтганда, газета фаолиятимизнинг ёрқин кўзгуси. Биз, албатта, ўз газетамизга обуна бўлаемиз!



**Салоҳиддин САТТАРОВ,**  
Сурхондарё вилоят адлия  
бошқармаси бошлиғи:

## БИЗНИНГ НАШРИМИЗ!

— “ИНСОН ва қонун” газетаси бизнинг энг яхши ҳамкоримиз! Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси ҳамда туман, шаҳар адлия бўлимлари томонидан амалга оширилган ишлар ва таҳлилий мақолаларнинг “Инсон ва қонун” газетасида мунтазам ёритилиши бизни газетга янада яқинлаштиради. Шундай экан, ўзим шу газетга обуна бўлдим. Барча ҳамкасбларимни ҳам шунга даъват этаман!



**Ойбек МАШАРИПОВ,**  
Хоразм вилоят адлия  
бошқармаси бошлиғи:



**Баҳурлло ҲАСАНОВ,**  
Фарғона вилоят адлия  
бошқармаси бошлиғи:

## БИЗ УЧУН ЭНГ ҚАДРЛИ НАШР!

МАЪЛУМКИ, маъбуот кундалик ҳаётимиз кўзгусидир. Шу маънода айтганда, биз — адлия ходимларига вазирлигимиз муассислигида қарийб 26 йилдан буён чоп этиб келинаётган “Инсон ва қонун” газетаси ана шундай қадрлидир.

Газетанинг бирор бир сони йўқки, Адлия вазирлигидан тортиб, республикамизнинг турли ҳудудларидаги туман, шаҳар адлия бўлимлари фаолияти ёритилмаган бўлсин. Кўпчиликнинг муаммоси тахририят арашшуви билан ечим топаётганлиги ҳам инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида газета билан ҳамкорлигимиз натижасидир.

Бундан ташқари, “Инсон ва қонун” орқали ҳамкасбларимиз — барча даражадаги ҳуқуқшунослар ва ёшлар

дунё давлатлари қонунчилиги ҳамда тажрибаларидан бохабар бўлишди. Қолаверса, ҳуқуқ оламидаги қизикarli далоиллар ва воқеа-ҳодисаларни, детектив хикояларни ўқиб, ҳордиқ чиқаришади. Бир сўз билан айтганда, газета давлат ва халқ ўртасидаги мустаҳкам кўприк вазифасини ўтайди.

Бинобарин, тизимимиз ходимлари ва кенг жамоатчиликни мазкур нашрга обуна бўлишга чакириб қолам.



**Ўрал ОСТАНОВ,**  
Қашқадарё вилоят адлия  
бошқармаси бошлиғи:

## ИШНИ ГАЗЕТА ЎҚИШДАН БОШЛАЙМАН

— БУГУН орамизда мана, телефон, янгиликларни шу ердан ҳам ўқиб олавераман, дейдиганлар ҳам кўпайиб қолди. Лекин газета ёки китоб ўқимаслик саводсизлик хоҳи сари етаклашини бугун барчамиз англаб етишимиз керак. Ахир, интернет технологиялари ривожланган давлатларда ҳам газеталар миллионлаб нусхада чоп этилапти-ку. Очғи, ижтимоий тармоқлардаги имловий хато, бир ёқлама талқинларни, баъзида ноҳолис ёндашилган мақолаларни ўқиб, улар оммани чалғитаётгани, саводсизликка бошлайётганини англаймиз.

Илгари кўча-кўйда китоб ёки газета кўтариб, ўқиб кетаётган одамларни кўп учратганимиз. Энди эса бу ҳолатни камдан-кам кўраемиз.

Тўғриси, интернет баҳонасида одамлар газетадан узоқлашди. Бунинг салбий оқибатлари аянчагина. Бошқармамиз қўллаб газеталарга обуна бўлган. Эрталаб ишга кириб келишим билан энг биринчи қиладиган ишим — газеталарни кўздан кечириб.

Мен барча ходимларимизни ўз соҳасининг нашри — “Инсон ва қонун” газетасига обуна бўлишга чакирган бўлардим.

## ЎЗ НАШРИНИ ЎҚИМАГАН ХОДИМНИ ИЖТИМОЙ ҲАЁТДА ФАОЛ ДЕЯ ОЛМАЙМИЗ

— ИЖТИМОЙ ҳаёт тарзи-мида газета ҳақида фикр алмашинар экан, энг аввало, газетанинг буюк кашфиётлардан бири эканлигини тан олишимиз лозим. Қолаверса, газетанинг бугунги тарққиётда ўрни бекиёсдир. Қисқарок, лўндарок айтганда, газета бу — сиёсат, гоё, мафкура, маърифат...

Шунингдек, давлатнинг сиёсатини одамларга, одамларнинг хоҳиш-иродасини давлатга, ҳокимиятга етказадиган воситадир. Шунинг учун унинг кўп тарққли-сидан давлат ҳам, жамият ҳам, тахририят ҳам манфаат кўради.

Айтмоқчиманки, ўқитувчи бўла туриб “Маърифат”ни, сиёсий партия аъзоси бўла туриб, партия нашрларини, фермер бўла туриб “Қишлоқ ҳаёти”ни, адлия ходими бўлиб, “Инсон ва қонун”ни ўқимаган кишини ижтимоий ҳаётда фаол, дея олмаймиз. Шундай экан биз, албатта, ўз нашримизга обуна бўлаемиз.

**ЎЗБЕКИСТОН ҲАКАМЛИК СУДЛАРИ**  
Ассоциацияси Тошкент шаҳар филиали хузуридаги доимий фаолият кўрсатувчи Ҳакамлик суди молиявий низолар бўйича тез ва самарали хизмат кўрсатади.

Ҳакамлик судининг давлат судларидан фарқи жуда кўп.

Ҳакамлик судлари — мутлақо ёпиқ суд. Яъни, суд муҳокамасининг тафсилотлари ҳеч кимга ошкор қилинмайди.

Ҳал қилув қарори дарҳол кучга киради ва якуний ҳисобланади, шикоят қилинмайди.

Энг муҳими, суд мажлисини кўриш учун судьяларни тарафларнинг ўзи танлайди. Бу билан коррупция ёки таниш-билишчиликнинг олди олинади.

Давлат божи давлат судларига нисбатан 2 баробар камроқ.

Ҳакамлик судида тезкорлик билан иш кўрилади. Ариза берилган кундан бошлаб ўртача 1 ой ичида иш кўриб чиқилиб, қарор чиқарилади.

Ҳакамлик судларида низолашаётган тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги таъминланади.



**УЛУГБЕК АБДУРАҲМОНОВ,**  
Тошкент шаҳар Ҳакамлик суди раиси

### Низолар тезкор ва қонуний ечим топади

Ҳакамлик судида ишлар тезкорлик билан ҳал қилинади. Чунки Ҳакамлик судида фақат битта инстанция назарда тутилган бўлиб, бошқа судлар каби апелляция, кассация, назорат инстанциялари мавжуд эмас, ҳакамлик судининг қарори якуний ҳисобланади.

Асосий мақсад тарафларнинг келишувига йўналтирилади ҳамда тарафлар ўртасидаги ҳамкорлик сақлаб қолинади. Биринчи ўринда тарафларни мurosага келтириш йўллари

# ҲАКАМЛИК СУДИНИНГ ДАВЛАТ СУДЛАРИДАН ФАРҚИ НИМАДА?

изланади, уларни кейинчалик ҳам ҳамкорлик қилишлари учун ораларидаги муносабат бузилмаслиги йўлида ҳаракат қилинади.

Ҳакамлик муҳокамасининг махфийлиги қонун билан қоғалланади. Ҳакамлик суди ёпиқ мажлисда кўриб чиқилади, бу тарафлар ўртасида низо мавжудлиги, шунингдек, низоининг бирор-бир ўзига хос томонлари ошкор қилинмаслигини, тижорат сири сақланишини таъминлайди. Масалан, кимдир кўни-кўшнидан, кимдир ишдаги ҳамкорларидан бировни судга берганини

яширишни истаيدди. Бошқа кимдир унинг иши судда кўрилатганини бошқалар билмаслигини хоҳлайди. Шундан келиб чиқиб, Ҳакамлик судида фақат суд таркиби ва низолашаётган томонлар қатнашади, суд муҳокамасида ҳатто прокурор ҳам иштирок этмайди.

Томонлар жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортилмайди. Масалан, муддати ўтган дебитор ва кредитор қарздорликлар учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Бошқа судлар шундай ҳолатларни аниқлаганларида қонунчилик-

ка кўра жиноят иши кўзгатиш масаласини кўриб чиқишлари шарт. Ҳакамлик суди эса, томонлар фаолиятида камчиликлар аниқланган тақдирда ҳам жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортишга ваколатли эмас.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан бошлаб кучга киради. Бошқа судларда апелляция шикояти берилса, апелляция муҳокамаси якунланмагунга қадар суднинг қарори кучга кирмайди. Ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарори эса, эълон қилинган кундан бошлаб, дарҳол кучга киради.

Иқтисодий судлар ва Фуқаролик ишлари бўйича судлар Ҳакамлик суди аниқлаган ҳолатларни текширишга ёки Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мазмунан қайта кўриб чиқишга ҳақли эмас. Масалан, тарафлардан бири Ҳакамлик судининг қарорини бекор қилишни сўраб, давлат судларига мурожаат қилиши мумкин. Бундай ҳолда давлат судлари Ҳакамлик суди аниқлаган ҳолатларни текширишга ёки Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мазмунан қайта кўриб чиқишга ҳақли эмас. Фақат кўпол процессуал камчиликларга йўл қўйилган тақдирда, жумладан, тарафлардан бири судга қақирилмаган, Ҳакамлик суди кўришга ваколатли бўлмаган масала бўйича қарор чиқарган ҳоллардагина Ҳакамлик суди қарори бекор қилиниши мумкин.



**ЎТКИР ЮЛБАРСОВ,**  
Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси Тошкент шаҳар филиали хузуридаги доимий фаолият кўрсатувчи Ҳакамлик суди судьяси

ҳакамлик судлари мавжуд. Улар муайян давлат ҳудудида фуқаролар ва ҳўжалик субъектлари ўртасидаги қарздорлик низоларининг 80-85 фоизини кўриб, низоларни ҳал этиб келмоқда.

### ҲАКАМЛИК СУДИ ЎЗИ НИМА?

Ҳакамлик суди нодавлат суд бўлиб, унинг асосий вазифаси фуқаролар ва тадбиркорларга ёрдам бериш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат.

Ҳакамлик судларининг фаолияти қонунийлик, мустақиллик, ҳакамлик муҳокамаси маълумотларининг ошкор қилинмаслиги, ҳакамлик судьяларининг ҳолислиги, диспозитивлик, ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг тортишув ва тенг ҳуқуқлилиги асосида амалга оширилади.

### ҲАКАМЛИК СУДЛАРИНИНГ ХИСОБИ ҚАНДАЙ ЮРИТИЛАДИ?

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари тегишли ҳудудларда доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари ҳисобини рўйхатдан ўтказишни ва муваққат ҳакамлик судларини ҳисобга олишни амалга оширади.

Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судларини ташкил этиш ва фаолиятини тугатиш, муваққат ҳакамлик судларини ташкил этиш тўғрисидаги, шунингдек доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари таркибига кирувчи ҳакамлик судьялари ҳақидаги ахборот Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тизимлаштирилади.

Ҳакамлик судлари ҳисобини юритиш тартиби Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган Низом билан белгиланади.

# Ҳакамлик суди — нодавлат суд УНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ НИМАДА?



### ҲАКАМЛИК МУҲОКАМАСИ МАЪЛУМОТЛАРИ НИМА УЧУН ОШКОР ҚИЛИНМАЙДИ?

Ҳакамлик судьяси ҳакамлик муҳокамаси давомиди ўзига маълум бўлиб қолган маълумотларни тарафлар ёки уларнинг ҳуқуқий ворислари розилигисиз ошкор қилишга ҳақли эмас.

Ҳакамлик судьяси ҳакамлик муҳокамаси давомиди ўзига маълум бўлиб қолган маълумотлар ҳақида гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин эмас.

### ҲАКАМЛИК СУДЛАРИНИ КИМ ТАШКИЛ ҚИЛИШИ МУМКИН?

Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият кўрсатувчи ва муваққат ҳакамлик судлари ташкил этилиши мумкин.

Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ташкил этилгани ҳақидаги ҳужжатлар нусхалари ҳакамлик суди жойлашган ҳудуддаги адлия органига юборилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳакамлик судларини ташкил этиши ҳамда ҳакамлик битими тарафлари бўлиши мумкин эмас.

### ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ ҚАНДАЙ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ?

Ҳакамлик судида иш ёпиқ мажлисда кўриб чиқилади. Ҳакамлик суди низо ҳолатлари текширилганидан сўнг ҳакамлик суди таркибига кирувчи ҳакамлик судьяларининг кўпчилик овози билан ҳал қилув қарори қабул қилади. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган пайтдан эътиборан кучга киради.

Ҳакамлик суди агар келишув битими қонун ҳужжатларига зид бўлмаса ҳамда бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаса, ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг илтимосномасига биноан келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилиши мумкин.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори якуний бўлиб, мазмунан қайта кўриб чиқилмайди. Шу сабабли ҳакамлик судида апелляция, кассация инстанциялари, ишни назорат тартибда қайта кўриб чиқиш мавжуд эмас.

### ҲАКАМЛИК СУДИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ ҚАНДАЙ ИЖРО ҚИЛИНАДИ?

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори мазкур қарорда белгиланган тартибда ва муддатларда ижтисрий ижро этилади. Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарориди ижро этиш муддати белгиланмаган бўлса, у дарҳол ижро этилиши керак.

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик судининг ҳал қилув қарориди белгиланган муддатда ижтисрий ижро этилмаган бўлса, мажбурий ижро этилиши керак. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижро этиш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, ваколатли суд берган ижро варақаси асосида амалга оширилади.

Фуқаролик суди ёки Иқтисодий суд ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқётганда ҳакамлик суди аниқлаган ҳолатларни текширишга ёхуд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мазмунан қайта кўриб чиқишга ҳақли эмас.

Ушбу Қонун асосида 2009 йил май ойида Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси, декабрь ойида Тошкент шаҳар филиали ташкил этилди. 2010 йил давомиди Тошкент шаҳар филиали хузурида ҳамда барча туманларда доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари ташкил этилиб, адлия органларида тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтказилди.

Ҳозирда 140 дан ортиқ тараққий этган давлатларда

# СУДГАЧА ЕТИБ БОРГАН ОВУЛДОШЛАР ВОҚЕАСИ

**ИЧКИЛИК** ҳеч кимга ҳеч қачон яхшилик олиб келмаганлигини таъкидлашга ҳожат йўқ. У инсонни тўғри йўлдан оздирадиган шайтон, дўстни душманга айлантирадиган оғу, оғир кўргулик ва фожияларга сабаб бўладиган, одамни тириклай ўлдирадиган ажалдир.



Қизилқум кенгликларида яшашнинг ўзи машаққат. Чўл шароитининг ўз мураккабликлари, бошқа ерларга ўхшамайдиган муаммолари кўп. Ж.Жаксенов (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳам чўл фарзанди. Томди тумани "Аяққудук" овул фуқаролар йиғинига қарашли "Шимбай" аҳоли пунктида яшайдиган бу йиғитни овулдошлари яхши билади. Ҳаммага қўлидан келганча бирдек яхшилик қилишга одатланган Ж.Жаксенов ёш бўлса ҳам, кўпчилигининг ҳурматига сазовор бўлган. Афсуски, шундай одамшанаванда йиғит текканга тегиб, тегмаганга тош отиб юрадиган бир овулдошининг касрига қолиб, суднинг қора курсисига ўтиришга мажбур бўлди.

## ■ ЯХШИЛИГИ ЁМОНЛИК БЎЛИБ ҚАЙТДИ

Ушанда одатдаги ёз кунларидан бири эди. Чўлда аҳоли учун озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, ун ҳам овул марказидаги савдо дўконидан тарқатилар эди. Овул маркази эса "Шимбай"дан 15 километр олинса жойлашган. Ун келганини эшитиб, Женисбек ўзига тегишли "УАЗ" автомашинасида овул марказига борадиган бўлди. Транспорт масаласи муаммолиги сабабли ҳамқишлоқлари Серик ва Талғатлар ҳам унинг машинасида бирга бориб, ўзларига тегишли унни оладиган бўлишди.

Кечки соат оптиларда уч овулдош марказга етиб келишди. Женисбек машинаси савдо дўкони олдида тўхтатгач, С.Бауров ва Т.Кузёмбаевлар марказда яшовчи ошналари учратиб қолиб, улар билан спиртли ичимлик ичиб, кейин дўкондан унларни олиб яна машинада қишлоққа қайтишди.

Женисбек биринчи Серикнинг уйига бориб унга тегишли қолни туширди, сўнгра Серик ва унинг отаси билан хайрлашиб, сал нарироқдаги ҳовлида яшайдиган амакисининг уйига бир қоп ун ташлаб қайтаётганда, Серик ганди-рақлаб, машина олдида чикиб қолди. Женисбек машинани тўхтатиб, уни миндирди.

Ичкилик таъсирида нима қилаётганини билмаган С.Бауров машинага чиққан

дан сўнг ўзини тутолмасдан машинанинг рулига ёпишавергач, Женисбек машинани тўхтатиб, уни машинадан туширишга мажбур бўлди. Аммо Талғатнинг уйига бориб унни тушираётганда, Серик яна машина олдини тўсиб чикди ва Женисбекка сўкиниб, тош отди, у отган тош эса йиғитга эмас, машина ойнасига тегди. Бундан хахли чиққан Ж.Жаксенов Серикни бир шапалоқ уриб, уни кўкрагидан итариб юборди. Рустем ерда йиқилиб ётган акасини олиб кетгач, ҳамма ўз уйига тарқалди. Аммо ярим тунда мастлиги ҳали таркамгаман Серик яна бақир-чақир қилиб Женисбекнинг ҳовлисига келгани, йиғитлар жанжаллашмасин деб онаси чиқиб "вақт алламаҳал бўлди, уйингга бориб дам ол", деб уни қайтариб юборганидан сўнг бу машаққат аслида шу ерда якун топган эди.

Орадан бир кун ўтиб Женисбек дўсти Талғат билан унинг уйига бориб, Серикдан ўша кунги ургани учун узр сўрагани, у ҳам маст бўлганлиги учун Женисбекдан узр сўраши орадаги кўнгилсизлик ва гиналарни йўқотиши керак эди.

Бу овулда бор-йўғи 14 та хонадон бор. Ҳамма бир-бирдан хабардор ва ҳар бир юмушда бир-бирига кўмак беришга одатланган. Уч-тўрт кун ўтиб, овулдошлар яна Серикнинг уйига қудуқ қазिशга ҳаширға борганда, укаси уни эчки боқишга кетганлигини айтади. Бирок ҳеч вақт ўтмасдан Серикни отдан йиқилди деб касалхонага ётқишилади. Унинг касалхонага тушганини эшитгач, ундан ҳол-аҳвол сўраш учун касалхонага борган Женисбек йиғитнинг онаси билан гаплашади ва ўзини айбдор санаб, одамгарчилик юзасидан унга ёрдам сифатида дори-дармонларини олиб беради. Серикнинг холасининг ҳақоратларига, "қаматиб юбораман" деган дағ-дағаларига учрайди. Бу гаплардан кўрқиб, холага 4 миллион 800 минг сўм пул беради.

Овулдошининг бу сажийлиги ва меҳрибонлигидан фойдаланган Серикнинг қариндошлари эса, ундан 130 миллион сўм пул талаб қилади.

Табиийки, бунча катта пулни яқинда уйланган, ортиқча даромади йўқ йиғит

топиб бера олмасди. Вазият шу тариқа мураккаблашиб, чигаллашадики, иш судгача боради.

## ■ ОЗОДЛИҚДАН МАҲРУМ ҚИЛИНДИ

Суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи ҳам, жабрланувчининг қариндошлари ҳам, овулдош ошналар ҳам Женисбекнинг ичмаслиги, чекмаслиги, бировга умуман бирор марта ёмонлик қилмаганини, қўлидан келганча яхшилик қиладиган тарбияли йиғит эканлиги ҳақида кўрсатма беришди. Аксинча Серикнинг эса тез-тез спиртли ичимлик ичиб юришини нафақат бошқалар, балки ўз яқинлари ҳам тан олишди. Аммо... Жабрланувчининг сўзи, қўли баланд келди. Судланувчига жазо тайинлаши мўқаррар бўлди.

Суд Ж.Жаксеновнинг айбига иқдор ва пушаймонлигини, яқинда уйланганлигини, жабрланувчи ва унинг оила аъзоларига ёрдам тақлиф этганини жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб топди, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар эса судда аниқланмади. Ж.Жаксеновга жиноят ишлари бўйича йўзилган туман судининг 2021 йил 15 февралдаги ҳукмига кўра Жиноят кодексининг тегишли моддаларига кўра 1 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Унга нисбатан қўлланилган "гаров" эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, суд залидан дарҳол қамоққа олинди. Аммо бу яхшилиги учун ёмонлик кўраётган йиғитга нисбатан ҳақсиз жазо эди...

## ■ ЖАЗО ЎЗГАРТИРИЛДИ

Ж.Жаксенов судга муурожаат қилиб, ўталмай қолган жазо муддатини енгилроғи билан алмаштиришни сўради. Унинг бу илтимосномаси ҳужжатлар асосида кўриб чиқилди.

Суд томонларнинг фикрини эшитиб, жазони ўтаётган Ж.Жаксеновнинг жазони ўташ даврида ўзининг яхши томонларини кўрсатганлигини, прокурорнинг маҳкумнинг илтимосномасини қаноатлантириш тўғрисидаги ҳулосасини эшитиб, колония раҳбарияти томонидан ижобий тавсифланганлигини инобатга олиб, илтимосномани қаноатлантиришни лозим топди. Ж.Жаксеновга нисбатан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмай қолган 1 йил 28 куни шу муддатга ҳар ойлик ўз ҳақининг 15 физик миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш шарти билан ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилди.

Ҳаёт давом этади. Умр ўтаверади. Аяққудуқликлар балким бу воқеани бир кун келиб унутиб ҳам юоришар. Аммо овулдошларига қилган яхшилиги эвазига қайтган ёмонлики Женисбек унутармикан?

**Дилобар ЭРГАШЕВА,**  
жиноят ишлари бўйича  
Томди туман суди раиси,  
Маруса ҲОСИЛОВА,  
"Инсон ва қонун" мухбири



**ПОЙТАХТИМИЗНИНГ** Мирзо Улуғбек туманидаги 338-сонли умумтаълим мактабида "Ахборот хуружларига қарши шақллантириш — давр талаби" мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

## ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ АХБОРОТ ХУРУЖЛАРИДАН АСРАЙЛИК!



Мақсуд тадбир Президентимизнинг 2019 йил 3 майдаги "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режаси асосида ташкил этилди. Республика Маънавият ва маърифат маркази Мирзо Улуғбек туман бўлини маси ташаббуси билан туман халқ таълими бўлими ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда ҳудудда жойлашган олий таълим муассасаларининг маҳалла фуқаролар йиғинларига бириктирилган профессор ўқитувчилари, олимлар, педагоглар, юқори синф ўқувчилари иштирок эттишди.

— Бугунги таҳликали замонда, глобаллашув даврида, айниқса, ғоялар кураши кескин тус олган пайтда асосли, ҳаётий, самарали тарғибот ва ташвиқот олиб бориш муҳимдир, — деди ИНҲА университетининг маънавият ва маърифат бўлими етакчиси Бобур Абдулҳакимов. — Бугун миллий маънавиятимизни асрашимиз зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Асрий қадриятларимиз, миллий мафкурамиз, аждодларимиздан қолган бой маданий-маърифий меросимиз ҳамisha бизни руҳлантиради, улуғ ва кўлтуғ мақсадлар сари илҳомлантиради.

Тадбирда таъкидланганидек, маънавият келажакка йўл очувчи ёруғ юлдузидир. Маънавият бор жойда, албатта, ҳар бир иш унумли ва самарали кечади. Ёшлар иштирокида ўтган маънавий-маърифий тадбир сермазун, баҳс-мунозараларга бой бўлди. Тадбирда ўқувчи ёшлар ижтимоий маконда ахборотдан фойдаланиш маданияти бўйича зарур билим ва кўникмаларга эга бўлишди.

**Д.ЖУМАНИЯЗОВА,**  
Республика Маънавият ва маърифат маркази Мирзо Улуғбек туман бўлими раҳбари

## ЭЪЛОНЛАР

Навоий вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 22 октябрдаги 215-ум-сонли буйруғига асосан адвокат Бахронов Фахриддин Фаизуллаевнинг адвокатлик мақоми 2021 йил 25 октябрдан судьялик лавозими даври тугагунга қадар тўхтатилди.

Анджон вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 18 октябрдаги 328-ум-сон буйруғига асосан бошқарма томонидан 2018 йил 25 декабрда берилган АН №0001184-сонли лицензия эгаси,

"Хуқуқ ҳимоячиси" адвокатлик бюроси адвокати Урунбаева Шаирахоннинг адвокатлик мақоми ва адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши 2021 йил 18 октябрдан касаллик (1 йилдан ошмаган) муддатга тўхтатилди.

Наманган вилоят адлия бошқармаси томонидан адвокат Тожирахимова Маъмура Абдуллаевнага 2018 йил 24 декабрда берилган АН 000017-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ҳамда ад-

вокатлик мақоми жорий йилнинг 27 ноябрь кунига қадар бўлган даврга тўхтатилди.

Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси томонидан жорий йилнинг 21 октябрда талабгор Хуррамов Нурали Эштемировичга бошқарма томонидан 2021 йил 30 июлда берилган КС 000251-рөөстр рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши тугатилди.

## Инсон ва ҚОНУН

МУАССИС:  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРИЛИГИ

"Адолат" миллий ҳуқуқий ахборот маркази нашри

info@adolatmarkaz.uz

2007 йил 3 январда  
Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида  
0081-рақам билан  
рўйхатга олинган

ISSN 2010-9497

9772010978008

Бош  
муҳаррир

Кўчқор  
НОРҚОБИЛ

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқолов Ахбар Жўрабоевич  
Рабиёв Шерзод Миржалилович  
Тожиёв Фуркат Шомуродович  
Искандаров Ербек Нурбекович  
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Таҳририятга келган  
қўлёзмалар тақрир  
қилинмайди ва муаллифга  
қайтарилмайди.

Навбатчи  
Маруса Ҳосилова

Саҳифаловчи-  
дизайнер  
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табақ ҳажмда, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Тиражи — 4000  
Буюртма — V-4910

Топшириш вақти — 19:00  
Топширилди — 21:00

МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш.  
Чилқозор кўчаси-29.

Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳос қилинган нарҳда

1 2 3 4 5

**ҲУҚУҚИЙ** билими чуқур инсон бировнинг ҳимоясига муҳтож бўлмайди. Алданиб қолмайди. Муаммолар қаршида қолганда ноқонуний йўллардан бормайди. Чунки қонун ҳар доим уларни ҳимоя қилишини яхши билади. Шу маънода ҳам ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий билимлари юксак бўлиши заруратдир.

## Адлиядан янги ташаббус!



## "ҲУҚУҚИЙ ҒАР"

### ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИКНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ

Бугунги кунда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини янада ошириш, уларга бошланғич юридик билим бериш ва кўникмалар шакллантириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Юқорида таъкидлангани каби, фуқароларнинг ҳуқуқий билимларга эга бўлиши жамиятда юзага келадиган ҳуқуқий низолар ва уларни самарали ҳал қилишда, мураккаб вазиятларда муносиб жавоб топишда асосий механизм саналади. Адлия вазирлигидан навбатдаги ташаббус асосида Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш маркази томонидан "Huquqiy\_gar" лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишни мақсад қилган мазкур лойиҳа асосида фуқаролар кундалик ҳаётда юзага келадиган юридик масалалар, уларни қийнаб келган муаммоларни ҳал қилиш, бу бўйича ўз билим ва кўникмаларини ошириш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Лойиҳа барча учун қулай бўлган телеграм ижтимоий тармоғидаги @huquqiy\_gar каналида амалга оширилмоқда. Ҳуқуқий маслаҳатлар онлайн аудио суҳбатлар тарзида ташкил этилмоқда. Хусусан, лойиҳанинг ўтган икки сониди 2 минг 500 нафарга яқин фуқаро иштирок этди.

Шу билан бир қаторда фуқароларнинг муурожаатлари ҳамда уларни қизиқтирган юридик масалалар сўровнома ўтказиш асосида аниқланиб, суҳбат мавзуси сифатида танланаётганлиги ҳам лойиҳанинг бевосита аҳолини қийнаётган муаммоларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳал қилиш ва уларнинг бу борадаги билим ва кўникмаларини оширишга қаратилганлигини кўрсатади.

Лойиҳада юқори малакали ҳуқуқшунос ва тегишли соҳа мутахассислари спикер сифатида жалб этилиб, улар мавзу юзасидан қонунчиликда белгиланган қоидалар, ислоҳотлар билан тингловчиларни таништирмоқда. Жумладан, бугунги кунга қадар, "Орган ходимлари билан мулоқотда нималарни билишимиз керак?", "Қам таъминланган оилаларнинг ижтимоий ҳимоя масалалари" каби мавзуларда суҳбатлар ташкил этилиб, спикерлар сифатида малакали адвокатлар, тегишли вазирлик ва идораларнинг, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бандлик ва мەҳнат муносабатлари вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг масъул ходимлари жалб этилди.


Суҳбат жараёнида фуқаролар томонидан саволлар йўлланиши ва муурожаатларга шу ондаёқ батафсил жавоб олиш имкониятининг яратилганлиги лойиҳанинг халқчил ва самарали эканлигини кўрсатади.

Қайд этиш лозимки, лойиҳага старт берилганига кўп вақт бўлмаган бўлса-да, ўтган икки сон давомида фуқаролардан 1000 га яқин онлайн муурожаатлар, савол ва таклифлар келиб тушмоқда. Келиб тушаётган муурожаатларнинг аксарияти турли юридик масалалар, кундалик турмушда учрайдиган ҳуқуқий низолар ва уларни муносиб ҳал қилиш хусусида бўлмоқда. Жумладан, оилавий, фуқаролик, ижтимоий ҳимоя, тадбиркорлик, уй-жой, мерос ва бошқа ҳуқуқ соҳалари бўйича қўллаб-қувватлаш бўлаётганлиги аниқ мазкур масалаларда аҳоли муаммоларини муносиб ҳал қилиш билан бир қаторда, бу бўйича уларга бошланғич юридик билимлар бериш, ҳуқуқий саводхонлигини оширишнинг долзарблигини кўрсатади.

Шу жиҳатдан, мазкур содда ва аниқ дамда фойдаланиб бўлган тизим мунтазам равишда такомиллаштириб борилади. Зеро, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш турли юридик низолар келиб чиқишининг олдини олиш ва уларни муносиб ҳал қилишда муҳим омил бўлади.

**Ахтам ЯКУБОВ,**  
Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги  
Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича  
профессионал ўқитиш маркази директори,  
**Фируз МАҲМУДОВ,**  
марказ директори ўринбосари

## ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР



### Шахсга доир маълумотларни ўзгартирганларга жазо чоралари белгиланди

"ЎЗБЕКИСТОН Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун Президент томонидан имзоланди.

Қонун билан, жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгариш киритилди.

Унга кўра, ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, шу жумладан, интернетда фуқароларнинг шахсга доир маълумотларига ишлов берилётганда Ўзбекистонда жойлашган техник воситаларда ҳамда шахсга доир маълумотлар базаларида шахсга доир маълумотларни йиғишга, тизимлаштиришга ва сақлашга оид талабларга риоя этмаслик фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 7 баравари, мансабдор шахсларга эса 50 баравари миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Қонун билан, шунингдек, Жиноят кодексига киритилган ўзгаришга кўра, ушбу қилмиш маъмурий жазо қўлланилгандан сўнг бир йил давомида такроран содир этилган тақдирда қуйидаги жазо чораларидан бири:

БҲМнинг 150 бараваригача миқдорда жарима;  
3 йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;  
2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари қўлланилади.

Ушбу ўзгаришлар қонун кучга кирган кундан эътиборан 3 ой ўтган амалга киритилади.



### Термизда янги институт ташкил этилди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Мазкур Қарор билан Тошкент давлат аграр университети-нинг Термиз филиали негизда Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти ташкил этилди.


Институтда:  
туپроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб ҳудудларни ихтисослаштириш;  
экспортбоп ва даромадбоп қишлоқ хўжалиги экинларни етиштиришни ташкил этиш;  
қишлоқ хўжалигида инновацион ресурс тежамкор технологияларни ҳамда рақамлаштирилган агро-

технологияларни жорий қилиш бўйича замонавий билимларга эга кадрлар тайёрланади.

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб институтда бакалаврият таълим йўналишларида кредит-модуль тизими босқич-ма-босқич жорий этилади. Бунда, талабалар учун ҳафтанинг шанба кунни мустақил ўзлаштириш кунини деб белгиланади.

2022 йил якунигача институтда талабалар, магистрлар ва илмий изланувчилар ҳамда ёш профессор-ўқитувчиларнинг илмий ишланмалари асосида лойиҳаларнинг стартапларини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш билан шуғулланувчи IT-инкубатор илмий инновацион маркази ташкил этилади.

Қарорга кўра, институтда бакалаврият таълим йўналишлари бўйича кечки (сменали) ҳамда 2022 йилдан олий таълимдан кейинги таълим (докторантура)га кишлоқ хўжалиги ихтисосликлари бўйича қабулни ташкил этиш назарда тутилган.



### Солиқни 6 ойда кечиктириш ҳуқуқи берилди

"Маҳаллий ва хорижий инвесторлар томонидан солиқларни тўлашни кечиктириш механизми-ларини такомиллаштириш тўғрисида"ги Президент қарори қабул қилинди.

Қарорга кўра, 2022 йил 1 январдан тадбиркорлик субъектларига (давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган корхоналар, ер қазирдан фойдаланувчилар ва акция ости махсулотлари ишлаб чиқарувчилар бундан мустасно) умумий майдони минг квадрат метрдан ортиқ бўлган ер участкалари, бино ва иншоотларга нисбатан мулк ҳуқуқини қўлга киритганда мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича ҳисобланган солиқларни тўлашни 6 ойда кечиктириш ҳуқуқи берилди.

Бунда:

■ солиқларни тўлашни кечиктириш мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 3 ой муддат ичида давлат солиқ хизмати органларини хабардор қилган ва унинг тўлашини таъминлаш (гаров) талаб этилмаган ҳолда амалга оширилади;

■ солиқларни тўлашни кечиктиришнинг амал қилиш муддати хабарнома юборилган кундан бошлаб ҳисобланади ҳамда унинг тугаган санасидан бошлаб кечиктирилган солиқ суммаси ҳисобланган фоизлар билан бирга тенг улушларда бир йил давомида тўлаб берилди. Солиқ тўлаш муддатларини ўзгариштириш имкониятини беришдан фойдаланганлик учун фоизлар солиқлар кечиктирилган санадан бошлаб Марказий банк асосий ставкасининг 50 фоизи

миқдориди ҳисобланади;  
■ ер участкаси, бино ва иншоотлар солиқ тўловларини кечиктириш муддати давомида сотилган ёки ижарага берилган тақдирда, мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича кечиктириш муддати давомида ҳисобланган солиқ суммаси тўлиқ миқдорда ундирилади;  
■ солиқ қонунчилигини бузиш хавфи юқори бўлган солиқ тўловчилар гуруҳига киритилган тадбиркорлик субъектларига солиқларни тўлашни кечиктириш тақдим этилмайди.

### Ўзбекистон фуқаролари Россияда янги миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини олиши мумкин

Ҳукуматнинг "Россия Федерациясида бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаларини беришда қулайликлар яратиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан Ўзбекистоннинг Россия Федерациясидаги консуллик муассасаларида Ўзбекистон Республикасининг эски намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини янгисига алмаштириш тартиби бўйича вақтинчалик Низом тасдиқланди.

Низомга кўра, янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси консуллик муассасаси орқали Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош қармаси (ИИВ ЙҲХББ) томонидан расмийлаштирилади.

Талабгор эски намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини янгисига алмаштириш учун консуллик муассасасига ариза билан шахсан муурожаат қилади.

Консуллик муассасаси талабгор номидан сўровномани тўлдириб, 1 иш кунини ИИВ ЙҲХББга юборади.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош қармаси тақдим этилган маълумотномани кўриб чиқиб, 1 иш кунини янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштиради ҳамда уни Ташқи ишлар вазирлиги Консуллик-ҳуқуқий департаментига юборади.

Шунга кўра, Ташқи ишлар вазирлиги Консуллик-ҳуқуқий департаменти ҳайдовчилик гувоҳномасини консуллик муассасасига дипломатик почта орқали тақдим этади.

Консуллик муассасаси 1 иш кунини янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини эгасига беради ёки асосланган сабабларга кўра уни рад этади.

Эски намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини янгисига алмаштириш учун қуйидагилар ундирилади:

Базавий ҳисоблаш миқдорининг 70 фоизи миқдориди тўлов;  
20 АҚШ доллари миқдориди консуллик йиғими;  
20 АҚШ доллари миқдориди ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш учун йиғим.

**Шакарбой ҒОЙИБАЗАРОВ,**  
"Адолат" миллий  
ҳуқуқий ахборот маркази  
масъул ходими